

MECHANISMS OF DEVELOPING CREATIVE THINKING OF STUDENTS THROUGH DIGITAL TECHNOLOGIES

Khamraeva Nazira Ravshanovna

Teacher of Jizzakh State Pedagogical University

NOTES

This article talks about the necessity of the Internet and computers for all of us today, about the fact that the lessons are interesting and effective with the help of technology, about the fact that the thinking circle of young students is growing, about the fact that their thinking is gaining a worldview.

Key words: internet, student, teacher, youth, imagination, experience, technology, worldview.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Хамраева Назира Равшановна

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунки кунда интернет ва компьютер ҳаммамиз учун зарурлиги хақида, технология орқали дарслар кизиқарли васамарали ўтаётгани хақида, ўқувчи ёшларни фикрлаш доираси ўсаётгани хақида, ўз фикрлаши дунёкарашига эга бўлаётгани хақида сўз боради.

Калит сўзлар: интернет, ўқувчи, ўқитувчи, ёшлар, фикрлаш, тажриба, технология, дунёкараш.

XXI аср технологиялар асри бўлгани сабабли технологияга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Юртимизда деярли барча нарсалар компьютер орқали бошқарила бошланди. Колаверса техникалардан ташқари мактаб, коллеж, институтларда ҳам фанлар электрон шаклда яъни компьютерда ўқитилмоқда. Интернет орқали ёшларимиз инглиз тили, рус тили, немис, француз ва бошқа тилларни ўрганишмоқда. Жуда кўп кизиқарли маълумотларга эга бўлишмоқда. Бугунги кунимизни интернетсиз тасаввур қила олмаймиз. Мактабларда ўқувчиларга интернет орқали жуда ҳам кизиқарли дарслар ўтилмоқда, айниқса бошланғич синфларига электрон дарсликлар орқали ўтилган дарс жуда ҳам мароқли ҳисобланади. Бу орқали ўқувчиларимиз креатив фикрлаш бошлайди, онги ривожланади, фикрлаш қобилияти кенгайди. Ўқувчиларни дарсга кизиқтириш, рақамли технологиялар орқали кизиқарли кўрсатувлар биланқувчи ёшларимизни кизиқишини ортиришимиз зарурдир.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Ахборот-коммуникация технологиялари бизнинг ҳаётимизга ва таълим тизимига, шу жумладан мактабгача таълим тизимига фаол кириб бормокда. Мактабгача таълим тизимини қайта қуришнинг асосий йуналишларидан бири боланинг хусусиятлари, имкониятларини, лаёқати ва қобилиятларини эътиборга олган ҳолда уни шахс сифатида мукамал ривожлантиришга қаратилган таълимдир. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз мактабгача ёшдаги болаларни билимга ундаш, фаолликка чақириш, амалий фаолиятнинг ҳар бир турида тарбиявий тушунчаларнинг муҳимлигини курсатиш, мустақил фикрлашга ўргатишдан иборат.

Электрон ҳукуматга доир элементларни татбиқ этиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт режасидан мустақам ўрин олган. Бу, биринчи навбатда, электрон ҳужжат алмашиш улушини янада ошириш ва давлат хизматларининг муайян қисмини Давлат хизматлари марказлари орқали босқичма-босқич равишда электрон шаклга ўтказиш вазифаларига тегишлидир. Телекоммуникация инфратузилмаси бу жараёнда муҳим вазифани бажаради.

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди.

«Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув ва иш юритиш жараёнига IT ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутди.

Бугунги кунда республикамизнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири мактабгача таълим тизимининг ривожлантиришга қаратилган бир катор қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Таълимда педагогик технологияларнинг асосий мақсади уқитиш тизимида уқувчини дарс жараёнининг марказига олиб келиш, ўқувчиларнинг креатив қобилиятини намоён қилишга, мустақил фикрлашга ўргатишдир. ўқувчиларни уқув материални шунчаки ёд олишларидан, автоматик тарзда такрорлашларидан узоклаштириб, мустақил ва ижодий фаолиятини ривожлантириш, дарснинг фаол иштирокчисига айлантиришдир. Шундагина ўқувчилар муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммолар, ўтиладиган мавзуларнинг амалиётга татбиқи буйича ўз фикрига эга булади, ўз нуқтаи назарини асослаб бера олади. Тарбия фанини уқитишда уқитувчи интерфаол методлардан мавзуга мувофиқини танлаб билиши муҳим ҳисобланади. ўқитувчи интерфаол методлардан аввало оддийдан мураккабга ўтиш назариясига амал қилган ҳолда фойдаланмоғи лозим. Илғор педагогик

технология асосида ташкил этилган дарслар ўқувчиларда билимларни яхлит ўзлаштирилишига ёрдам беради. [11-17] мақолаларда умумтаълим мактабларида ва олий таълим муассасаларида тарбия фанини ўқитишда кўлланиладиган интерфаол методлар кенг ёритилган. Бу методларнинг ютуқ ва камчиликлари санаб ўтилган. Методларни куллаш буйича намуналар берилган. Келгусида умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари талабалари буладиган мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг мактабгача ёшда эгаллаган билим ва куникмаларидан ҳам узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи “Рақамли Ўзбекистон” комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Бу каби устувор вазифаларни амалга оширишда биринчи галда, ҳозирги ҳолатни ижобий йўналишга солиш ва ушбу вазиятни бир имконият сифатида қабул қилиши керак. Бойси, таълим экспертларининг хулосаларига қараганда коронавирус пандемиясидан сўнг таълимнинг ривожланиш йўналишлари қайта кўриб чиқилади; таълимнинг янги даври – рақамли таълим даври бошланади.

Рақамли таълим масофа ва макон тўсиқларини олиб ташлайди. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон таълим тизими қайси йўлдан кетиши тўғрисида бир қатор саволлар турибди. Хусусан, у ҳозирги анъанавий тизимни ривожлантирилган босқичга ўтадимми ёки рақамли таълим тизимига ўтадимми? Саволлар кўп. Ушбу саволларга қарамасдан таълим тизимида ҳеч қачон ўзгармайдиган асос, яъни устуворлар мавжуд. Бу “таълим олувчи” ва “таълим берувчи” яъни “талаба” ва “ўқитувчи”дир. Агар таълимда ана шу икки томоннинг дунёқарашини ўзгартира олсак, яъни ўқувчини мустақил таълим олишга, билим олиш йўлларини мустақил излашга, ўқитувчини эса янги билимлар билан рақамли технологиялар асосида қуроллантириб талабага билим олиш йўлларини ўргатишини йўлга қўя олсак, таълим тизими қайси шаклга ўтишидан қатъий назар таълимда сифат пайдо бўлади. Ана шу масала мамлакатимиз таълим тизимининг энг оғриқли ва заиф нуқтаси ҳисобланади. Таълим-тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ, амалга ошириш имкониятини берувчи яхлиттаълимга, яъни технологияларга айланиб бормоқда. Худди шу каби таълим-тарбия соҳасида ҳам сўнгги йилларда педагогик технология амал кила бошлади.

Фан ва техниканинг жадал тараққиёти ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларини ва бу йўналишларда фаолият кўрсатувчи малакали мутахассисларни тайёрлашни ҳам тақозо қилади. Уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш улкан маблағлар сарфланишига олиб келади. Таълимда ижодий фикрлаш-мавзунинг маъносини тушунишга йўналтирилган, ўқувчиларнинг янги ғояга, хулосага келишини таъминлайдиган фикрлаш.

Фикрлаш нарсаларнинг яхши томони ва уларни янада яхшилашга қаратилган бўлмоғи керак. Шу нуқтаи назардан «танқидий фикрлаш» фикрлашнинг энг яхши усули бўлмай таълим жараёнида унга ортиқча эътибор бериш мақсадга мувофиқ эмас. Ўқувчиларга ҳар қандай вазиятда ҳам воқеанинг ижодий томонларни топишга ўргатиш керак. Улар баъзан аниқ, баъзан эса онг остида яширин бўладилар.

Ҳозирги пайтда адабиётларда «ижодий фикрлаш»га альтернатив сифатида «креатив фикрлаш» ибораси ҳам ишлатилади. «Creative» - инглизча сўз бўлиб – яратмоқ, ижод қилмоқ деган маънони англатади ва шахс фаолиятини ифодалайди. Креативлик-ижодкорлик қобилияти. Креатив фикрлаш (ижодий фикрлаш) — ғайриоддий ғояларга таяниб муаммонинг ечимини топиш мақсадидаги фикрлаш. Кундалик ҳаётда креативлик-чорасиз ҳолатларда мақсадга эришиш, муаммога ечим топа олиш лаёқатини кўрсатади. Ҳозир у иккита: янгилик ва манфаат бериш кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки семинар якунида ўқувчи (ёки ўқувчи)ларнинг машғулоти ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчилар томонидан машғулот жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Наср Фаробий. Ақл тўғрисида рисола. -Т.: Фан, 1970.
2. Арзиқулов А.У. Интерфаол усуллар. -Самарқанд, 2003.
3. Илғор педагогик технология нима ва уни қандай қилиб ўқув жараёнида қўллаш мумкин. -Ma'rifat nuri газетаси, 20 сентябр 2007 йил.
4. Имомов Х.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш фани бўйича таълим технологияси. -Тошкент: ТДИУ, 2006.
5. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Тошкент, 2006.
6. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Тошкент, 2005.
7. Каримжонов И.А. ва бошқ. Янги педагогик технологиялар. -Тошкент, 2002.
8. Коменский Я.А. Буюк дидактика. -Т.: Ўқитувчи, 1975.
9. Ожегов С.И. Словарь русского языка. -М.: Русский язык, 1983.
10. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид фанларни янги педагогик технология методларини қўллаб ўқитиш. -Самарқанд, 2007.